MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 17-yanvar • Payshanba • 8 (27.813) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**«Биз юртимиз осойишталиги ва Ватанимиз равнақини, халқимизнинг фаровон ҳаётини ва ёруғ келажагини таъминлаш учун ўз олдимизга қўйган буюк марралардан, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган мустақил тараққиёт йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз ва ўз юксак мақсадларимизга албатта эришамиз».**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкентда 16 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлислар залига Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи олиб кирилади.

Парламент палаталари раҳбарларининг топшириғига биноан қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди. У 2007 йил 23 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлигини қайд этди. Марказий сайлов комиссияси раиси залда ҳозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Ислом Каримовни юксак ва масъулиятли лавозим — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлангани билан қизғин табриклади ва Ислом Каримовга Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Ислом Каримов қасамёд қилди: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шундан сўнг раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисини ёпиқ, деб эълон қилди.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз келажаги учун тарихий аҳамиятга эга ғоят муҳим сиёсий воқеа бўлиб, Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга ошириб келинаётган, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган чуқур иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлида жамиятимизни янада жипслаштиришнинг муҳим омилига айланди.

**(ЎзА)**

# БИЗ ЎЗ ОЛДИМИЗГА ҚЎЙГАН ЮКСАК МАРРАЛАРГА АЛБАТТА ЭРИШАМИЗ

### Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Муҳтарам ватандошлар!

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бугун мана шу юксак ва мўътабар минбардан туриб, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни яна бир бор ишонтириб айтмоқчиманки, сайловолди дастуримда белгиланган ва баён қилинган барча устувор йўналишларни изчил амалга ошириш учун бор куч-имкониятим, билим ва тажрибамни сафарбар этаман.

Авваламбор, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини олиб боришда мамлакатимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини янада ошириш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, халқимизнинг тинч ва осуда, эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш бундан буён ҳам бутун фаолиятимнинг асоси бўлиб қолади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Президенти сайловини Конституциямиз ва қонунларимиз, халқаро ҳуқуқий андозалар, умумэътироф этилган демократик тамойилларга тўла риоя қилган ҳолда ўтказиб, ўз хоҳиш-иродасини эркин намоён этиб, менга юксак ишонч кўрсатган барча сайловчиларимизга, азиз юртдошларимга яна бир бор ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдириб, халқимиз олдида чуқур таъзим қиламан.

Менинг эзгу тилагим шуки, Яратганимиз эл-юртимизни, бутун халқимизни ўз паноҳида асрасин, унинг бахту саодатини, омадини берсин.

Албатта, бу юксак минбардан туриб сўз айтиш ҳар қандай одамни ҳам, у қандай катта тажрибага эга бўлмасин, барибир ҳаяжонлантиради. Мен ҳам бугун сизларнинг ҳузурингизда туриб, очиқ юзингиз, кўзингизга қараб, ҳаяжон туйғусини ҳис қилмоқдаман.

Шу ўринда сизларга кўнглимдаги бир фикрни айтишни лозим деб биламан.

Биз юртимиз осойишталиги ва Ватанимиз равнақини, халқимизнинг фаровон ҳаётини ва ёруғ келажагини таъминлаш учун ўз олдимизга қўйган буюк марралардан, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган мустақил тараққиёт йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз ва ўз юксак мақсадларимизга албатта эришамиз. Бизга Оллоҳнинг ўзи доимо мададкор бўлаётганига, йўлимизни очиб бераётганига бугун барчамиз ишонч ҳосил қилмоқдамиз ва бунинг учун минг бора шукроналар айтамиз.

Мустақиллик йилларида эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан биз барча соҳаларда катта ютуқларга эришдик. Ҳозирги кунда юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу ютуқларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб яшашга албатта ҳақлидир. Мана шу муҳташам залда халқимизнинг ана шундай вакилларини кўриш менга катта мамнуният етказади.

Бугун мамлакатимиз ҳаётида тарихий кун. Орадан ойлар, йиллар, балки асрлар ўтар, лекин мустақил Ўзбекистонимизни ҳар томонлама обод қилиш, унинг шоншуҳратини дунёга тараннум этиш мақсадида амалга оширган, тарихимизда ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган улуғвор ишларимизни, ҳеч шубҳасиз, келажак авлодлар миннатдорлик билан эсга олажак.

Бугун ушбу тантанали маросимда қатнашаётган муҳтарам чет эллик меҳмонларимизни халқимиз номидан қутлаб, шуни таъкидлашни истардим: ўзбек халқи азалдан ўзининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги билан шуҳрат қозонган. Эл-юртимизга мансуб бўлган бундай ноёб фазилатлар бизнинг фарзандларимизга ҳам ўтсин, уларнинг қалбидан, юрагидан мустаҳкам жой олсин.

Биз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини олиб бораётган барча хорижий мамлакатларнинг ҳурматли элчиларига қарата айтмоқчиманки, ўзбек халқи яхшиликни биладиган, яхшиликнинг қадрига етадиган халқ. Сизларнинг давлатларингиз ва халқларингиз томонидан Ўзбекистонга кўрсатилаётган хайрихоҳлик, амалий ёрдам ва кўмакни биз ҳеч қачон унутмаймиз. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, сизларга, сизларнинг мамлакатларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

## Улар ҳамиша эътиборда **2**

Бугун шаҳар ижтимоий таъминот хизматидан 29433 нафар киши фойдаланяпти. Шундан 8143 нафари пенсия, 1290 нафари эса ижтимоий нафақа олувчилардир. Уларга ҳар ойда 1 миллиард 900 миллион сўмга яқин маблағ харажат қилинади.

## Мактаб автобуси портлатилди **3**

Шри-Ланкада террористлар мактаб автобусини портлатиб юборди. Натижада тахминан 15-20 нафар инсон нобуд бўлган, 20 нафари жароҳатланган, деб хабар беради AFP агентлиги.

## Маънавият боғига экилган ниҳол **4**

Абдулла Қодирийнинг бир дона «Ўтган кунлар» китоби учун ўзлари қийналиб яшаётган бўлса-да, бир қўйини беришга ҳам рози бўлган туркистонликлар ҳақида адибнинг фарзанди Ҳабибулла Қодирийнинг асаридан ўқиб билганмиз. Асл китобнинг баҳоси ҳеч бир замонда ҳеч қачон арзон бўлмаган.



# Кўҳна Самарқанд мавзуси

## япон «ойнаи жаҳон»ида

**Табаррук Ўзбекистон заминида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент сингари жаҳоннинг кўҳна шаҳарлари курраи заминимизнинг жуда кўплаб тарихий воқеаларига шоҳид бўлган. Ўзбекистоннинг қадимий даврлардан то ҳозирги кунларга қадар бўлган тарихини ўрганиш асосида инсоният цивилизациясининг муайян солномасини тузиш мумкин. Шу боис ҳам дунё тарихининг ихлосмандлари ва тадқиқотчилар мамлакатимиз ҳудудидаги қадимий шаҳарлар, улар бағридаги меъморчилик ва маданий ёдгорликлар тарихини ўрганишга катта қизиқиш билан қарашади.**

Яқинда Японияning етакчи «TBS» телекомпанияси Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишлаб суратга олинган «Самарқанд — маданиятлар чорраҳасида» номли ҳужжатли фильмни намойиш этди. У ЮНЕСКО шаъфелигида Кунчиқар юртнинг кино ижодкорлари томонидан «Жаҳон» ахборот агентлиги ва мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси кўмагида тайёрланди.

Фильм япон телетомошабинларини инсоният цивилизацияси тараққиётининг бешикларидан бири — кўҳна ва афсонавий Самарқанд шаҳрининг бой тарихи билан атрофлича таништиради. Муаллифлар Самарқанд ўзининг мусаффо ҳавоси, зилол суви ва ҳосилдор воҳаси, инсон ва табиатнинг ҳайратланарли даражадаги уйғунлиги туфайли ҳамиша ажиб бир шукуҳга эга бўлиб келганини қайд этишар экан, Самарқанд ўзбек халқи улуғворлиги, моҳир ва меҳнатсеварлигининг ёрқин ифодасидир, деб таъкидлайдилар.

2-бет



## Араб тилини ўқитиш истиқболлари

**Тошкент Ислом университетида Тошкент давлат шарқшунослик институти, Миср маданият маркази ҳамкорлигида Ўзбекистонда араб тилини ўқитиш истиқболига бағишланган илмий-амалий конференция ташкил этилди.**

Анжуманда мамлакатимиз олий таълим даргоҳларида фаолият олиб бораётган шарқшунос, арабшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, Миср Араб Республикасидан тилшунослар, араб давлатларининг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари иштирок этди.

Тошкент Ислом университети ректори Равшан Абдуллаев, Миср Араб Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нодия Иброҳим Каффофий, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Абдураҳим Манноnов ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ умрбоқий анъаналарни тиклаш, бебаҳо маънавий меросни асраб-авайлаш ва чуқур ўрганишдек эзгу ишларга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Араб тилини ўрганиш борасида юртимиздан етишиб чиққан алломалар томонидан яратилган китоблар жаҳонга кенг тарқалган. Айниқса, буюк мутафаккир Маҳмуд Замахшарийнинг маънавий мероси алоҳида ўрин тутади.

Анжуманда мамлакатимизда араб тилини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари, бу йўналишдаги ўқув дастурлари, маърифий ишларни янада такомиллаштириш, истиқболдаги режаларга оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**☑ 2008 йил — Ёшлар йили**



## Президент стипендияси соҳиби

*Музаффар НОСИРОВ 1982 йилда Андижон вилоятида туғилган. 1998 йилда Балиқчи туманидаги 50-ўрта мактабни имтиёзли тамомлаб, Андижон давлат тиббиёт институти даволаш факультети талабаси бўлди. Тиришқоқ талаба ўқиш давомида жамоат ишларида фаол иштирок этди, устозлари раҳбарлигида жарроҳлик йўналишида илмий изланишлар олиб борди. Юртимизда ўтказилган талабалар илмий-амалий анжуманларида ўз маърузалари билан фаол қатнашиб, эътиборга сазовор бўлди. Музаффарнинг илмий ишлари Ўзбекистондагина эмас, балки хорижий мамлакатларда, жумладан, Россия, Белоруссия, Украина, Польша, Руминияда ўтказилган илмий-амалий жамланмаларда чоп этилди.*

Бир йигитга қирқ ҳунар оз деганларидек, Музаффар тиббиёт институтида таълим олиш билан бирга, Андижон давлат тиллар педагогика институтида инглиз тилини ўрганиш бўйича ўн ойлик курсда ўқиди. Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида «Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, маркетинг, менежмент асослари» йиллик курсини тамомлади. 2004 йилда Ибн Сино номидаги стипендия совриндори бўлди.

Иқтидорли талаба рус ва инглиз тилларида эркин сўзлаша олади. 2005 йилда олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тамомлаб, шу йилнинг ўзида институт магистратурасига жарроҳлик мутахассислиги бўйича қабул қилинди. Ҳозир у илмий раҳбари, профессор Фозил Нишонов бошчилигида «Жигардан эхинококкэктомиядан сўнгги қолдиқ бўшлиқни жигар юмалоқ бойлами билан бартараф қилиш» мавзуида магистрлик диссертацияси устида изланиш олиб бормоқда.

Музаффарнинг мақсади етук мутахассис бўлиб етишиш. Бор билими, иқтидорини одамлар саломатлигини ҳимоялашга сарфлаш. У давлатимиз раҳбари ёшларга изчил ғамхўрлик кўрсатиб келаётганлигини таъкидлаб, бизнинг вазифамиз — мана шу юксак ишончни оқлашдан иборат, дейди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

☑ ЎзХДП: электорат манфаати

# Улар ҳамиша эътиборда

Ортда қолган 2007 йил жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат туйғуларини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, ҳаётимизнинг янада обод, фаровон бўлишида том маънода муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, партиямиз асосий электорати ҳисобланмиш аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бўлган ғамхўрлик ҳамда эътиборнинг кучайгани бунинг ёрқин далилидир.

— Жамият бир бутун танага қиёсланса, — дейди Бухоро шаҳар ижтимоий таъминот бўлими раҳбари, партиямиз хайрихоҳи Гулнора Насруллаева, — унинг шохлари аҳоли қатламларидир. Бир шох барқ уриб ўсса-ю, бошқаси сўла бошласа, ким ҳам бунга бефарқ бўларди. Давлатимиз раҳбари аҳолининг заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилгани бу борада жуда улкан ишларнинг изчил давом этишига сабаб бўлди. Муҳтож кишилар, кам таъминланган, ногирон ва якка-ёлғизлар давлатнинг ва ён-атрофдагиларнинг меҳри, ғамхўрлигини чуқур ҳис этаётирлар.

Бугун шаҳар ижтимоий таъминот хизматидан 29433 нафар киши фойдаланяпти. Шундан 8143 нафари пенсия, 1290 нафари эса ижтимоий нафақа олувчилардир. Уларга ҳар ойда 1 миллиард 900 миллион сўмга яқин маблағ харажат қилинади. Бўлим жамоаси ўтган йили Давлат дастури асосида бир қатор ишларни амалга оширди. Шаҳарда истиқомат қилувчи кам таъминланган, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож ўндан зиёд фуқаронинг уй-жойи таъмирлаб берилди. Катаракта асоратидан азият чекаётган 13 кишининг кўзига сунъий гавҳар қўйилди. Қирқдан зиёд фуқаро протез-ортопедия маҳсулотлари, 17 нафар ногирон махсус аравачалар билан таъминланди.

— Шу пайтгача кўчага чиқишга анча қийналардим, — дейди Ислом Шарипов номли маҳаллада яшовчи болаликдан ногирон Азизбек Қодиров. — Мустақиллик байрами арафасида менга ногиронлик аравачаси совға қилишди. Бу менинг ва оиламнинг ташвишини анча енгиллаштирди. Энди бу аравачада бемалол шаҳар айлансам бўлади.

— Ҳудудимизда ўндан зиёд якка-ёлғиз кекса умргузаронлик қилади, — дейди Ижтимоий таъминот бўлимининг энг ғайратчан ходимларидан бири Мукаррам Жалолова. — Уларнинг кўнгли жуда нозик. Қаригандa таянадиган яқинлари йўқ. Шу боис уларга Хушвақт Туробова, Робия Соҳибова, Фазолат Насруллаева, Дилшода Раҳимова, Шаҳноза Файзуллаева сингари ходимларимиз бириктирилган. Улар қарияларимизнинг уйларини саришта-саранжомлаб, бозор-ўчар қилишади, дори-дармон етказиб беришади.

Суҳбатимиз асносида хонага бир жувон кириб келди. Чеҳрасида қилган ишидан мамнуният шундоққина кўриниб турарди. Бу киши шу бўлим ходими, партиямиз фаоли Хушвақт Туробова экан.

— Ҳафиза аянинг хонадонидан келяпман, — дейди Хушвақтхон. — Онахонни ювиб-тарадим, овқатини тайёрлаб бердим. Бизга миннатдорчилик билдирди, дуо қилди. Энди Низомий номли маҳалладаги Даня холаникига бораман.

Ҳа, биргина бу эмас. Ёлғиз кексалар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш борасида бўлим «Камолот» ЁИҲ билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Ёшлар томонидан тузилган «Ғамхўрлик гуруҳи» якка-ёлғизлар ҳолидан тез-тез хабар олиб туришибди. 620 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ёзги оромгоҳларда дам олишди. 160 дан зиёд кекса сиҳатгоҳларда ўз соғлиқларини тиклади. Қарияларнинг яхши хордиқ чиқариши учун Улуғбек, Кўкалдош, Пиридасгир, Жалол Икромий, А.Алиев номли маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида янгидан қариялар чойхоналари ташкил этилди.

— Кексайганда кўп нарсага эҳтиёж сезарканасан киши, — дейди Олим Хўжаев номли кўчада яшовчи Абдулаҳад Саъдуллаев. — Шунда маҳаллангиз, ижтимоий таъминот бўлими сенинг корингга яраркан. Товоқсойда дам олиб, даволаниб қайтганимда кўнглим тоғдай кўтарилди. Ҳимматлини халқ ҳам, ҳақ ҳам қўллайди, деганлар. ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгашидагиларнинг биз қарияларга, ногиронларга бўлган ҳурмат-эътиборини айтмайсизми? Ҳар бир байрамда йўқлаб келишади, кўнгил сўрашади, барака топишсин.

— Ҳақ гап, — дея суҳбатга аралашди Шерозий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП аъзоси Толиб Рўзиев. — Шаҳар партия кенгаши маҳалламиздаги Роҳила Муҳаммадиева раҳбарлигидаги оилавий Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларни оталиққа олган. Оилавий Меҳрибонлик уйига замонавий компьютер тўплами, ногиронларга улар эҳтиёжларига мос турли совға-саломлар топширилгани фикримнинг исботидир.

Сирасини айтганда, одамлар бир-бирларига муҳтож. Бу муҳтожлик уларни бир-бирига яқинлаштиради, меҳр-оқибат, эзгуликка ундайди. Буни яхши англаган шаҳар ижтимоий таъминот бўлими жамоаси ўзларининг ижтимоий бурчларини муносиб равишда адо этмоқдалар.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# Кўҳна Самарқанд мавзуси

## япон «ойнаи жаҳон»ида

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Фильм ижодкорлари кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг Шарқ санъати гуллаб-яшнаган ўрта асрларда бунёд этилган, гўзалликда бетакрор меъморий ёдгорликларини атрофлича, завқ-шавқ билан томошабинлар эътиборига ҳавола этишди.

Афросиёб шаҳри VII асрдан то мўғул босқинига қадар Шарқнинг энг машҳур савдо ва маданият ўчоғи бўлгани қайд этилади. Археология қазишмалари чоғида Афросиёбдан топилган қадимги грек тангалари, нақшлар ва деворий суратлар бундан яққол далолат бериб турибди.

Муаллифлар Самарқанднинг бебаҳо меъморий ёдгорликлари — «Регистон» майдони, Бибихоним, Шоҳи Зинда, Ҳожа Аҳрор мажмуалари, Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонасини бирма-бир тасвирлашган.

Япон кино усталари Самарқанд ёдгорликларини тасвирлашга ноанъанавий ёндашгани кишини беихтиёр ўзига жалб этади — мустақиллик йиллари давомида олиб борилган катта кўламдаги қурилишларнинг кўркам қиёфаси турфа рангларнинг ёрқин жилоси, маҳобатли ва мафтункор меъморий осори-атиқалар уйғунлигида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинган.

Маълумки, миллий маданиятини кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган японияликлар ўз халқининг тарихий илдизларини тинимсиз излашда давом этмоқда. Улар қадимги кулолчилик буюмлари, матолар, қоғоз, табиий бўёқлар тайёрлаш сирларини кўп жиҳатдан қайта тиклашга муваффақ бўлишган. Улар ўз мамлакатининг бугунги ривожланган технологик жараёни асосида миллий илдизлар, анъана ва урф-одатлар ётишини айтишади. Япония телевидениеси каналларидан ҳар ҳафта намойиш этиладиган махсус кўрсатувларда, масалан, 1800 йиллар аввалида — Эдо даврининг ниҳоясида пайдо бўлган *каракури* анъанавий қўл қўғирчоқлари ҳақида соатлаб ҳикоя қилинади.

Японияликлар Ўзбекистоннинг ўз тарихи ва маданий қадриятларини авайлаб-асраб келаётганига гувоҳ бўлишганини таъкидлашар экан, ўзбек халқи табиий бўёқлар тайёрланиши, мўъжизакор наққошлик, гўзалликда тенги йўқ Самарқанднинг бебаҳо дурдоналарини яратиш сирларини сақлаб қолишга эришганига алоҳида урғу беришади.

Япон кино ижодкорлари Самарқанд ҳақида фахр ва ҳайрат билан сўзлашар экан, мавзудан мавзуга ўтишда гўё қимматбаҳо марджонларни бирма-бир ипга тергандек шаҳар тароватию чиройини пешма-пеш, янада ёрқинроқ лавҳаларда очиб беришади.

Фильмда буюк Мирзо Улуғбек турли ижтимоий қатламлар вакилларининг яхши таълим олишлари ва илмий тадқиқотлар олиб боришлари учун Самарқандда мадраса бунёд этгани ва унда алломанинг ўзи ҳам илмий маърузалар ўқигани ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинади. Истеъдодли олимнинг ноёб расадхона бунёд этгани, осмон жисмлари жойлашувини мукаммал ўрганганини ҳолда ўша даврнинг энг мукаммал юлдузлар харитасини тузгани ва у ҳозирга қадар ўз аниқлиги билан фалакиётшунос мутахассислар ақлини лол қолдириб келаётгани алоҳида таъкидланади.

Муаллифлар ҳозирги маҳаллий усталарнинг VIII аср ўрталарида ота-боболари кашф этган машҳур Самарқанд қоғозини тайёрлаш сир-асрорларини тиклаётганларини ҳам атрофлича ёритишган. Шу ўринда улар айнан Самарқанд қоғозини тайёрлаш санъатига европалик мутахассислар томонидан катта қизиқиш билдирилаётганини қайд этишади.

Фильмда ўзига хос ўзбек сўзаналари мавзуси ҳам четлаб ўтилмаган. Маълумки, ўзбек сўзаналарида Ўзбекистон заминининг барча ранглари ўз аксини топгандир. Сўзаналар узра муҳрланган ёрқин ва хилма-хил тасвирлар эса Буюк ипак йўли даврида қарор топган турли халқлар ўртасидаги ўзаро маданий айирбошлашнинг ўзига хос ифодаси ҳамдир. Шунингдек, фильм ниҳоясида ноз-неъматларга тўкин-сочин бўлган ўзбек бозори тасвири ҳам япон телетомошабинлари эътиборига ҳавола қилинган.

Шубҳа йўқки, мазкур фильм ҳам Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона алоқаларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳамда кунчиқар мамлакатнинг юртимизга нисбатан қизиқиши катта эканидан далолатдир.

**Музаффар ЗОҲИДОВ**
*«Жаҳон» АА*

☑ ЎзХДП депутатлари фаолиятидан

# Чиниқиш мактаби

**Партиянинг Қарши шаҳар кенгаши ҳамиша одамлар билан гавжум. Фаоллару фуқароларнинг бу ерга турли мурожаатлар, истаклар билан тез-тез ташриф буюраётганининг ўзиёқ кенгаш обрў-эътибори қай даражадалигини кўрсатиб турибди. Бугунги кунда партиямизнинг изчил фаолияти унинг жойлардаги етакчилари ташаббускорлиги, ҳаётий тажрибаси, иқтидорига кўп жиҳатдан боғлиқ.**

**Ана шундай етакчилардан бири — Комила Кароمова. У билан суҳбатлашиш ниятида бир неча бор излаб борганимизда, ҳамиша одамлар ташвиши билан юргани ёки маҳаллаларда учрашувлар ўтказаётганига гувоҳ бўлдик. Қаҳрамонимиз аввал Нишон туман газетасида муҳаррир ўринбосари, Қарши шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, 1995 йилдан Халқ демократик партияси Қарши шаҳар кенгаши котиби, раис ўринбосари бўлиб ишлаб келди. Анчадан буён Қарши шаҳар ҳокимлигининг нашри — «Насаф» газетаси муҳаррири. Ўтган йил ХДП Қарши шаҳар кенгаши раислигига ва 1-Қашқадарё сайлов округидан бўшаб қолган ўринга ўтказилган сайловда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати этиб сайланди.**

**— Комила, партия етакчисининг бугунги сиёсий жараёнлардаги ўрни қандай бўлиши керак?**

— Юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузасини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Партия ходими ёки журналист эмас, балки бир фуқаро сифатида босиб ўтилган йўлимизнинг асрларга татигулигидан, мислсиз ўзгаришларга эришганимиз, айниқса, миллий қадриятлар кўксимизни тоғдек кўтаргани билан фахрланаман. Босиб ўтилган йўлнинг энг муҳим жиҳати шуки, ўтган даврда фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, воқеа-ҳодисаларга муносабати тубдан ўзгарди. Маърузада бизнинг зиммамизга шундай вазифа юкланган: *«Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг, айниқса сайлов жараёнларида ҳоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади».*

Бу фикрнинг замирида ҳаётий тажрибалар мужассам. Мен анча вақт Қарши шаҳар Кенгаши депутати сифатида ана шу жараёнларда қатнашиш, уларни ўрганиш имкониятига эга бўлдим. Биринчи навбатда депутат ўз номзодини кўрсатган сиёсий партия билан мустаҳкам алоқада бўлмоғи лозим. Агар партия амалпараст, сайлов жараёнидагина мойиллик билдириб, кейин эса алоқани узиб қўядиган кишини қўлласа, кўп нарсани йўқотади. Буни унутмаслик керак. Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларимиз фаолияти, қонунлар, қарорлар қабул қилишдаги иштироки билан яқиндан танишиб бориш имкониятига эгамиз. Бу ҳақда матбуотда ёритилаяпти, депутатларимиз сайловчилар билан учрашувларда ҳисоб беришмоқда. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг вазифаси, қўйилган масалаларни ҳал қилишдаги ўрни ҳам бундан кам эмас. Ҳамма гап ана шу имкониятларни юзага чиқаришда. Масалан, биз шаҳар партия кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига бўлаётган мурожаатларда кўтарилган масалаларни ҳал қилишда кўпроқ депутатларимизга таянамиз. Шаҳарда коммунал хизматни яхшилаш, жамоат транспортини тартибга солиш, янги иш ўринлари яратиш ва бошқа масалаларни ҳам уларнинг фаол аралашувисиз ечиб бўлмайди. Айни пайтда бир қанча муҳим масалалар ўрганилиб, уларни навбатдаги сессиялар кун тартибига киритиш ҳақида маслаҳатлашаяпмиз.

Партия етакчиси ён-атрофда ва дунёда бўлаётган воқеалардан, электорат муаммоларидан доимо хабардор бўлиши, айни чоғда буларга муносабат билдира олиши лозим. Бунинг учун доимо ўқиши, изланиши керак бўлади. Партия ташкилоти нуфузи қандай бўлиши унинг етакчисига боғлиқ.

**— Жамоатчилик қабулхоналари электорат билан мустаҳкам алоқада бўлишнинг муҳим воситасига айланиб улгурди, шундай эмасми?**

— Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгашида Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятини йўлга қўйиш, фуқароларнинг қабулини уюштириш менга юклатилган эди. Шунинг учун маълум даражада тажриба ва фикр-мулоҳазалар ҳосил бўлди. Рости, дастлаб ишни шу кун талаби даражасида уюштира олишимизга унчалик ишонмаганман. Фуқаролар, ҳатто партиямиз аъзоларининг айримлари ҳам қабулхонага ишониб-ишонмай келишган. Аммо кун сайин ишонч орта бошлади. Айниқса, шаҳар жамоат транспортида йўловчи ташиш ҳақини тартибга солиш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масалаларида ижобий натижаларга эришилгач, одамларда умид уйғонди, бизга ишона бошлашди. Аёллар ўзига хос муаммоларини ҳал қилишда ёрдам сўрашади. Шаҳардаги коллежларни битирган ўқувчиларни иш билан таъминлаш масалалари ўртага қўйилмоқда.

Энди қатъий айтиш мумкинки, қабулхоналар ижтимоий зарурат сифатида юзага келган экан. Албатта, хато-камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди. Умуман, бугун қабулхоналар фаолиятини янги босқичга кўтариш талаб қилинмоқда. Масалан, шаҳардаги 62 та маҳалладан 56 тасига партиямиз аъзолари раҳбарлик қилаяпти. Ана шу маҳаллалардаги ҳудудий партия ташкилотлари фуқаролар билан яқин алоқада. Фуқаро ташвишларини дастлаб нега маҳалла идораси ёки бошланғич партия ташкилотига бориб айтмаслиги керак? Масалан, ЎзХДП шаҳар кенгаши Жамоатчилик қабулхонасининг Рогузар маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги бўлимининг тажрибаси бугунги кунда вилоятимиз миқёсида ибратли, десам янглишмайман. Бундай мисолларни яна келтиришим мумкин.

**— Шаҳар газетаси муҳаррири, партия кенгаши раиси, депутатлик каби масъул вазифаларни қўшиб олиб бориш Сизга оғирлик қилмаяптими?**

— Умуман, журналистика ҳеч маҳал ишимга халал берган эмас. Чунки айрим ижтимоий муаммоларни матбуот саҳифаларида кўтариб чиқиш имконини беради. Бундан ташқари, мен ҳар бир партия фаоли, раҳбар матбуот билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият юритиши керак, деб ҳисоблайман.

«Ўзбекистон овози» газетаси эса партиявий фаолиятимизда бизга энг яқин кўмакдош. Кейинги пайтда партия ҳаётини ёритиш тубдан ўзгаргани сезилиб турибди. Битта истак шуки, танқидий-таҳлилий, жонли, ўқишли мақолалар янада кўпайса...

Агар партиямиз аъзолари, фаоллар жойлардаги аҳвол, камчиликлар ҳақида ўз мулоҳазаларини очиқ-ойдин матбуот орқали билдириб борсалар, умумий ишимизнинг яхшиланиб боришига катта ҳисса қўшган бўладилар.

**Суҳбатдош:**
**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

☑ Солиқ ва ҳаёт

# Янги кодекс — ислоҳотлар давоми

Солиқ сиёсати — мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жуда катта ўрин тутади. Унинг устувор йўналишлари макро ва микроиқтисодий даражада солиқ юкини камайтириб боришга йўналтирилган. Зеро, солиқ юкининг камайиши ҳисобига тежалган маблағ корхоналар айланма маблағлари ва ишчи ҳамда хизматчилар ойлик маошларини оширишга, бир сўз билан айтганда, мақсадли иқтисодий ривожланишга йўналиш имконини беради.

Ўтган йиллар давомида солиқ тўловчилар даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, микрофирма ва кичик бизнес учун ягона солиқ миқдори эса 8 фоизга камайтирилди. Шунингдек, жисмоний шахслар даромадининг солиқ миқдори сезиларли даражада қисқартирилди. Шу тариқа кейинги 7 йилнинг ўзида умумий солиқ юки 40 фоиздан 27 фоизга камайтирилди. Биргина 2007 йилда кичик корхоналар тўлайдиган ягона солиқ миқдори 10 фоизни ташкил қилган бўлса, Президентимизнинг 2007 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан ягона солиқ миқдори 8 фоизгача пасайтирилди. Бу эса кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан тўланадиган солиқ юки камайиб, маблағлар тежалиши ва бу маблағ уларнинг ривожланишига сарфланиши, демакдир.

Шу нуқтаи назардан, солиқ тизимидаги ислоҳотларнинг давоми сифатида янги таҳрирдаги, тамомила янгича мезонда ва ҳамма учун қулай бўлган солиқ Кодексининг ишлаб чиқилиши айни муддао бўлди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат томонидан маъқулланган янги Солиқ Кодекси 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди. Мазкур Солиқ Кодекси солиқлар ва мажбурий тўловларни ўрнатиш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш бўйича муносабатларни ҳамда солиқ мажбуриятларини бажариш ва солиқ назоратини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Солиқ солиш масалаларига дахлдор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу Кодекс қоидаларига мувофиқ бўлиши, улар Кодекс қоидаларига мувофиқ бўлмаган ҳолатларда эса Кодекс қоидалари қўлланилиши белгилаб қўйилди. Солиқ тизими барча солиқ тўловчиларга нисбатан бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягонадир.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналилиги, солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари ошкоралилиги тамойилларига асосланган.

Эндиликда солиқлар ва мажбурий тўловлар ушбу Кодекс билан ўрнатилади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Ҳар бир шахс ушбу Кодекс билан ўрнатилган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашга мажбурдир. Ҳеч кимга Кодексда назарда тутилмаган ёки унинг нормалари бузилган ҳолда ўрнатилган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилмайди. Ҳар бир солиқ тўловчи хоҳ у юридик шахс бўлсин, хоҳ у жисмоний шахс — мазкур Кодексда белгиланган солиқларнигина белгиланган янги солиқ ставкаларига мувофиқ тўлайдилар.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларидаги қарама-қаршилик ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига изоҳланиши ҳам янги Кодексда очиқ-ойдин белгилаб қўйилган.

**Нурмуҳаммад ЭРБЕКОВ,**
**Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи**

## Ҳам сифатли, ҳам арзон



**Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган «Евросиё Тапо-Диск» Ўзбекистон — Англия қўшма корхонаси «ЎзДЭУавто» корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун дисклар етказиб беради**

Ҳозирги кунда 560 нафар йигит-қиз меҳнат қилаётган корхонада хориждан келтирилган замонавий технологиялар ўрнатилгани маҳсулотни юқори сифатли бўлишини таъминлаш билан бирга иш ҳажмини мунтазам ошириб бориш имконини бераётир.

Айни пайтда бу ерда «Мерседес-Бенц», «Хундай», «БМВ», «Тойота» каби жаҳоннинг машҳур компаниялари автомобиллари учун ҳам 53 турдаги дисклар ишлаб чиқарилмоқда. Таъкидлаш кераккки, тайёрланаётган дисклар сифати бўйича жаҳон талабларига жавоб берадиган халқаро сертификатга эга.

Корхонада олиб борилган изчил саъй-ҳаракатлар туфайли лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга эришилди. Бу эса маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва технологик жараёнларини янада такомиллаштириш имконини бермоқда.

Утган йилнинг етти ойи мобайнида корхонада 600 минг донадан зиёд автомобиль дисклари ишлаб чиқарилди. Яқинда ўрнатилган лойиҳа қиймати 550 миллион сўмга тенг ишлаб чиқариш участкасида дисклар учун қолиплар тайёрлаш йўлга қўйилади.

**Суратларда:** *ишчилар (чапда) Фарҳод Умаров, Ҳусниддин Ҳайитов ва Акмал Миножиев.*



М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

# Аҳолига қулайлик





Самарқанд туман Ички ишлар бўлими хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни рўйхатга олиш бўлинмаси томонидан ўтган йил мобайнида 20 мингдан зиёд кишига фуқаролик паспортлари берилган. Шундан 8 минг нафарга яқинини илк бор паспорт олаётган ёшлар ташкил этади.

Туман аҳолисига қулайлик яратиш, одамлар узоғини яқин қилиш мақсадида бўлинма ходимлари жойларда паспорт топшириш маросимлари уюштиришни йўлга қўйишган.

— Бўлинмамиз томонидан ишлаб чиқилган жадвал асосида тумандаги 8 та қишлоқ фуқаролар йиғинларида кўчма қабуллар ўтказилмоқда, — дейди бўлинма бошлиғи Яздон Мўминов. — Бу биринчидан аҳолига қулай бўлса, иккинчидан туманимиз фуқароларини тўлиқ паспорт билан таъминлаш имконини бермоқда.

— Бўлинмамиз ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан туман ҳудудида ноқонуний яшаб келаётган 12 нафар чет эл фуқароси аниқланиб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди, — дейди бўлинма бошлиғи ўринбосари Эътибор Саъдуллаева. — Паспорт қоидаларини бузиб яшаётган 5042 нафар фуқароларга нисбатан маъмурий тартибдаги чоралар қўлланилган.

Вилоят Ички ишлар бошқармаси томонидан ўтказилган «Намунали паспорт бўлими» кўрик-танловида бўлинма жамоаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритиб, 1-даражали диплом ва қимматбаҳо компьютер жамланмаси билан мукофотланди.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратларда:** *бўлинма бошлиғи Яздон Мўминов ёшларга паспорт топширмоқда.*

**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар**

**Банк ва мижоз**

# «Энг яхши молия муассасаси»

MIKROKREDITBANK

**«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг Сурхондарё вилоят бошқармаси ўтган йили ўтказилган «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб чиқиб, ана шундай фахрли номга сазовор бўлганди**

— Оилалиман. Икки нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим уй бекаси. Ўзим ҳам анча вақт ишламадим. Шу сабабли моддий жиҳатдан сал қийналиб қолдик, — дейди Музработ туманида яшовчи фуқаро Рустам Бекмирзаев. — Хайриятки, «Микрокредитбанк» АТБдан 600 минг сўм кредит беришди. Ана шу маблағ ҳисобидан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси очиб, якка тартибда фаолият кўрсата бошладим. Ҳозир ишим анча юришиб қолди. Топиш-тутишим ёмон эмас. Оиламнинг моддий аҳволи яхшиланди. Аллақачон олган қарзимнинг бир қисмини узишга ҳам улгурдим...

Термизлик К.Абдумўминов банк томонидан берилган микрокредит ҳисобидан деҳқончилик қилиб, яхшигина фойда кўрди. Узун тумани Чинор қишлоғида истиқомат қилувчи Алишер Ҳасанов эса банк томонидан ажратилган 3 миллион сўм истеъмол кредитига ўзи хоҳлаган уй жиҳозларини харид қилди.

Ўтган йил давомида банк 868 та ёш оилага жами 1023,1 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратди. Бунинг эвазига ўнлаб келин-куёвлар ўз рўзғорларини бутлаб олишди.

— 2008 йил Президентимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинди. Шундай экан, биз бундан кейин ёшларга янада кўпроқ молиявий кўмак беришни ўз вазифамиз деб биламиз, — дейди бошқарма бошлиғи Мўмин Маҳмудов. — Ҳозирги пайтда бу борада зарур тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, мазкур молия муассасаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан ташкил этилган. Бундан кўзланган асосий мақсад, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш ҳамда шу йўл билан янги иш ўринлари яратишдан иборатдир.

Бошқарма филиаллари томонидан қишлоқдаги кам таъминланган оилаларнинг томорқа хўжаликларида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида катта миқдорда микрокредитлар берилмоқда. Ўтган йили биргина шу йўналиш бўйича 437 та деҳқон хўжалигига 219,2 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада 570 та янги иш ўрни ташкил этилди. Бундан ташқари, 624 та кам таъминланган оилага чорва моллари сотиб олиш учун 539,2 миллион сўм имтиёзли микрокредитлар берилди ва юзлаб кишилар иш билан таъминланди.

Йил мобайнида жами 2402 та кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига Низом жамғармасини шакллантириш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш учун 4277.6 миллион сўм микрокредит, микролизинг хизматлари кўрсатилди. Бу маблағлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, савдо ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди.

— Мижозларимиз орасида фермерлар ҳам кўп, — дейди Мўмин Эргашевич. — Ўтган йили улар томонидан 53 минг тонна ғалла ва 76 минг тонналик пахта хирмони яратилди. Фермерларга фақат пахта етиштириш учунгина 14 миллиард 332 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағлар иш ҳақи тўлаш, нефть маҳсулотлари ва минерал ўғитлар сотиб олиш ҳамда шу каби мақсадларда сарфланди.

Бошқарма филиаллари томонидан мижозларга микролизинг ва молиявий лизинг хизматлари ҳам кўрсатиляпти. Қизириқ туманидаги «Манашбий Валижон» фермер хўжалиги бошлиғи Соат Пардаев ана шундай имкониятдан унумли фойдаланди.

— Лизинг йўли билан 24.8 млн. сўмга МТЗ-80 трактори олдим, — дейди у. — Шундан сўнг хўжалигимизда техника харажати кескин камайди, иш унуми ошди. Ҳозир қарзни қайтариш ҳаракатидамиз...

«Микрокредитбанк» АТБ Сурхондарё вилоят бошқармаси жамоаси жорий йилда янада самарали фаолият кўрсатишга бел боғлаган.

**Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

t

XORIJDA

## ВЕНЕЦИЯ КАНАЛЛАРИГА КАМЕРА ЎРНАТИЛАДИ

*Венеция ҳукумати шаҳарнинг машҳур каналларини кузатув камераси билан жиҳозлашга қарор қилди, деб ёзади The Daily Telegraph. Мақсад уй пойдеворлари ва тарихий обидаларга зарар етказаётган моторли қайиқларнинг тезлигини назорат қилишдир. Бундан ташқари, энди қайиқнинг рўйхатдан ўтказилган рақами, қайиқ эгаси ҳақида батафсил ахборот берувчи махсус микрочипларга алмаштирилади. Маълумки, 2007 йил Венеция ҳукумати грек афсоналаридаги минг кўзли махлуқ номи билан аталган Argos кузатув тизимини ўрнатган. Ушбу ускуна Катта каналда сузиб юрган ҳар бир қайиқни кузатиш орқали ундаги одамлар сонини назорат қилишга ёрдам беради. Лекин уни тор каналларда ишлатиб бўлмайди.*

## СУТ ВА ҚАТИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ РЕКЛАМАСИ

*Саудия Арабистонида «Сут ичинг — соғлом бўласиз!» даъватига биноан сут маҳсулотларини истеъмол қилиш умуммиллий куни ўтказилди. Хабарларга қараганда, тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад аҳоли, айниқса, ёшлар соғлигини мустаҳкамлашдан иборат.*

*Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига кўра, шу куни мамлакат мактабларига беш миллиондан зиёд қадоқланган сут ва қатиқ маҳсулотлари бепул тарқатилган.*

## ЖОСУСЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

*Япония бош вазири девонхонасининг ходими Россия элчихонасига махфий ахборотларни ошкор қилганликда айбланяпти. Бу ҳақда РИА Новости Япония полиция бошқармаси маълумотига таяниб, хабар қилади. Япония полицияси терговчилари ҳукумат бош вазири девонхонасида тинтув ўтказган. Гумон қилинаётган ходимнинг исми ҳозирча ошкор этилмаяпти. Япония матбуоти хабарига кўра, айбланувчи бир неча бор сўроққа тутилган. Полиция вакилларининг айтишича, тез орада ушбу иш бўйича тўпланган ҳужжатлар прокуратурага юборилади. Хавфсизлик бош бошқармаси ишни кўришда давом этмоқда. Россия элчихонаси эса бу маълумотга изоҳ берганича йўқ.*

## ЭКОЛОГЛАР «АСИР ОЛИНДИ»

*15 январь куни япониялик кит овловчилар икки нафар атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи экологни «асрга олди». Табиатни муҳофаза қилувчилар кит овлашга қарши эътироз тарзида Юшин Мару кемасига тушиб олган. Можаро очиқ океанда, аниқроғи Австралияга яқин ҳудудда юзага келган. Австралия табиатни муҳофаза қилиш ташкилотининг аъзоси бўлган мазкур шахслар кема ноқонуний равишда кит ови билан шуғулланаётганини айтишган. Япония маъмурияти эса кит ови тадқиқот мақсадида амалга оширилаётганини таъкидлаган. Кема капитани табиат муҳофазаси учун курашувчиларга яхши муомала қилаётганини хабар қилган. Яқинда Австралия суди кема эгаси бўлган «Kyodo Senpaku Kaisha Ltd» компаниясига мазкур ҳудудда ов қилишни ман этганди, аммо Япония буни тан олмаган.*



## МАКТАБ АВТОБУСИ ПОРТЛАТИЛДИ



*Шри-Ланкада террористлар мактаб автобусини портлатиб юборди. Натижада тахминан 15-20 нафар инсон нобуд бўлган, 20 нафари жароҳатланган, деб хабар беради AFP агентлиги. Ҳалокат вақти автобусда мактаб ўқувчилари бўлган. Шри-Ланка мудофаа вазирлигининг маълумотларига кўра, терактни 1980 йилдан бери Тамил ҳудудлари озодлиги учун курашаётган маҳаллий гуруҳ содир этган. Сўнгги 28 йил мобайнида 70 киши ушбу гуруҳ қурбонига айланди. Эслатиб ўтамиз, сўнгги бор Шри-Ланкада 2 январь куни йирик теракт рўй берди. Ўшанда Коломбо шаҳрида содир этилган портлаш туфайли беш киши нобуд бўлганди.*

## МАРКАЗ ОЛИМЛАРИ КАШФИЁТИ

*АҚШнинг Миннесота штатидаги тиббий марказ олимлари ҳужайрани қайта тиклаш технологияси асосида тўхтаган юракни қайта ишлатиш йўлини кашф қилдилар, деб хабар беради РАТА-ТАСС.*

*Маълумотларга қараганда, тажриба сифатида каламуш юрагидан фойдаланилган. Унинг юрагидан барча ўлик мускулли ҳужайралар олиб ташланиб, ўрнига ўзак ҳужайралари қўйилган ва уларнинг кўпайиш жараёни фаоллаштирилган. Натижада мазкур тўқималар қайта тикланиб, юрак ишлай бошлаган.*

*Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу усулни инсон юрагида ҳам қўллаш мумкин.*


*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!*

# Наманган вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси

**қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Лот № | Мактаб манзили, рақами | Ўқувчи ўринли |
|---|---|---|---|
| 1 | 4/1 | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Ахси кўчасидаги 3-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 520 |
| 2 | 4/2 | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Тўрақўрғон кўчасидаги 20-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 834 |
| 3 | 4/3 | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Дўстлик кўчасидаги 39-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 960 |
| 4 | 4/4 | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Нуробод турар-жой массивидаги 64-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 740 |
| 5 | 4/5 | Наманган вилояти, Наманган тумани, Гулдуров ҚФЙдаги 16-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 624 |
| 6 | 4/6 | Наманган вилояти, Наманган тумани, Шўрқўрғон ҚФЙдаги 8-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 1176 |
| 7 | 4/7 | Наманган вилояти, Наманган тумани, Тошбулоқ ҚФЙдаги 22-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 834 |
| 8 | 5/1 | Наманган вилояти, Уйчи тумани, Уйчи ШФЙдаги 1-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 624 |
| 9 | 5/2 | Наманган вилояти, Уйчи тумани, Жийдакапа ҚФЙдаги 2-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 774 |
| 10 | 5/3 | Наманган вилояти, Уйчи тумани, Ўнхаят ШФЙдаги 3-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 784 |
| 11 | 5/4 | Наманган вилояти, Уйчи тумани, Машад ҚФЙдаги 20-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 784 |
| 12 | 5/5 | Наманган вилояти, Уйчи тумани, Уйчи ҚФЙдаги 39-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 422 |
| 13 | 5/6 | Наманган вилояти, Уйчи тумани, Дўстлик ҚФЙдаги 46-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 240 |
| 14 | 5/7 | Наманган вилояти, Наманган тумани, Миришкор ҚФЙдаги 25-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 834 |
| 15 | 6/1 | Наманган вилояти, Норин тумани, Қуйилтепа ҚФЙдаги 6-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 422 |
| 16 | 6/2 | Наманган вилояти, Норин тумани, Хўжаобод ҚФЙдаги 27-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 624 |
| 17 | 6/3 | Наманган вилояти, Норин тумани, Хаққулобод ҚФЙдаги 12-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 520 |
| 18 | 6/4 | Наманган вилояти, Норин тумани, Тўда ҚФЙдаги 25-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 624 |
| 19 | 6/5 | Наманган вилояти, Норин тумани, Хўжаобод ҚФЙдаги 28-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 320 |
| 20 | 6/6 | Наманган вилояти, Норин тумани, Хожинтол ҚФЙдаги 36-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш. | 240 |

**Қурилишни якунлаш муддати — барча объектлар бўйича 2008 йил 1 август.**

*Қурилиш ишлари Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган мактаб жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.*

Молиялаштириш Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган давлат маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** ***Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.***

***Телефон: (8-369) 226-22-60, 233-77-06.***

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

**Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.**

**Танлов ҳужжатлари битта объект тўпламининг нархи — 60 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

*Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:*

*Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.*

